Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига
8-ИЛОВА

**01.11.2021 даги**

**ООО "IMAGE BUILD" ва Узбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ўртасида 334752467,20 сўм умумий суммага тузилган 3-7-21 - сонли шартномага**

## ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 245

Шахсий ғазна ҳисобварақ 400910860274197094100245001

сўмда

| 2021 й. ойлар номи. | Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди) | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | 4233900 | | | |
| Январь | | | | |
| Февраль | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | 334 752 467,20 | | | 334 752 467,20 |
| Декабрь | | | | |
| **Жами йил бўйича** | **334 752 467,20** | | | **334 752 467,20** |

Жами 334 752 467,20 сўм

Уч юз ўттиз тўрт миллион етти юз эллик икки минг тўрт юз олтмиш етти сўм 20 тийин
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 100 425 740,16 сўм ёки 30,00%*** шартноманинг умумий суммасидан ______ % ***20___ ______________ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;
(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига ______% жорий ойнинг _____ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари ______________ Болтабаев Махмуджон Рустамович
(имзо) Ф.И.Ш.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TURIZM VA SPORT VAZIRLIGI O'ZBEKISTON DAVLAT JISMONIY TARBIYA VA SPORT UNIVERSITETI

М.Ў.

Буюртмачи бош бухгалтери ______________ Махамов Миробид Хўжамуродович
(имзо) Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг
ходими қабул қилди ______________
(имзо)

«___» ______________ 20___й.

Буюртмачи ходими
қабул қилди ______________
(имзо)

«___» ______________ 20___й.

**Пудрат шартномаси**
*3-7-21 -сонли*

*Чирчиқ шаҳри* 2021 йил "01" 11

Кейинги ўринларда "**Буюртмачи**" деб юритиладиган Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети номидан Низом асосида иш кўрувчи ректор Болтабаев Махмуджон Рустамович бир томондан ва кейинги ўринларда "**Пудратчи**" деб юритиладиган ООО "IMAGE BUILD" номидан Низом асосида иш кўрувчи директор Маматкулов Шухрат Раимжон ўғли иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

**I. Таърифлар**

**Мазкур шартномада тарифлар кулланилади:**

1. **"ижро ҳужжатлари": -** натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритолган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда кўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдикловчи бошка ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж килинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар:

2. **"қурилиш майдони":** Мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегарасини ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади.

3. **"вақтинчалик ишлар":** Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишлар бажариш учун зарур зарур бўлган ҳар типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар.

**"беркитилган ишлар":-** сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

**II. Шартнома мавзуси**

4. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ Тошкент вилояти Чирчик шаҳри Спортчилар кўчаси 19 уйда жойлашган Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳудудини ободонлаштириш ишлари (брусчатка бетон қопламалар ёткизиб, худудни умумий ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва суғориш қувурларини ўтказиш) ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.**

5. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган танлов натижасида аникланган ва танлов комиссиясининг карори **(2021 йил 29 октябрдаги 17 сон баённома)** билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **334 752 467,20** (уч юз ўттиз тўрт миллион етти юз эллик икки минг тўрт юз олтмиш етти) сўм 20 тийинни ташкил этади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

**IV. Пудратчининг мажбуриятлари**

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 4-бандида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- қурилиш майдони ҳудудида вактинчалик иншоотлар қуриш;
- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
- қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул килиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вактинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдонини кўрикланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш.

Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлик ҳажмда бажаришни ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50%дан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

## V. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## VI. Ишларни бажариш муддати

10. Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро ҳисоб-китоб қилинади.

11. Пудратчи мазкур шартномага мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 30 кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар шартнома предметига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий қийматининг **30%** миқдорида олдиндан аванс тўлови ўтказади, бу 100 425 740,16 (юз миллион тўрт юз йигирма беш минг етти юз қирк) сўм 16 тийинни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш шартнома тегишли ғазначиликдан рўйхатдан ўтказилгандан кейин тўлаб берилади.

16. Шартноманинг қолган тўловлари бажарилган иш далолатномаларига ва хисоб фактураларга асосан амалга оширилади.

17. Объектнинг шартномавий жорий қийматнинг қолган қисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин ёки мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (бир йил) тамом бўлгандан кейин ишлар қийматининг 5% гача миқдорида, амалга оширилади:

18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## VIII. Ишларни бажариш

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини – Техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

22. Пудратчи Техник аудитор ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

23. Пудратчи ишларни мазкур шартноманинг VI-бўлимда кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини қурилишда Давлат назорат инспекцияси билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

28. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аникланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

32. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига караб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва қурилишда Давлат назорати инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралик кабул килиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилишда Давлат назорати инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир килмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чикишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

36. Агар Буюртмачи Пудратчи томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 35 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини супуриб-сидиради ва озода саклайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

## IX. Ишларини қўриқлаш

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллагунча ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўрикланишини таъминлайди.

40. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## X. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактда мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вактда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш

44. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## XII. Кафолатлар

48. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

- лойиҳа ҳужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартарф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилишда Давлат назорати инспекцияси томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XIII. Шартномани бекор қилиш

52. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### XV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномада кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,4% миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,1 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилишда Давлат назорати инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 10 фоизи миқдорида ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

### XV. Низоларни ҳал этиш тартиби

65. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

### XVI. Алоҳида шартлар

66. Мазкур шартноманинг амал қилиш муддати 2021 йил 31 декабргача. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

67. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

68. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса ҳақиқий ҳисобланади.

69. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгаришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

70. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунланганидан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарган ишлари учун ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

71. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

72. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 **нусхада** тузилади.

**XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзилари**

| Буюртмачи: | Пудратчи: |
|---|---|
| УЗБ.ДАВ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ | **ООО "IMAGE BUILD"** |
| Л/С 400910860274197094100245001 | Адрес: город Ташкент, М-Улугбекский р-н, проспект .М.Улугбека дом 71 |
| ИНН 200541019 ОКЭД 85420 | Тел.: 91 192 57 16 |
| Банк: | Банк: ТОШКЕНТ Ш., "ТРАСТБАНК"ХА БАНКИНИНГ ДАРХОН ФИЛИАЛИ |
| Х/Р ХККМ МБББ ТОШКЕНТ Ш МФО 00014 | Х/Р: 202 08 000 600 742 024 001 |
| МФО ИНН 201122919 ИНН ХХТУ 92110 | МФО: 00954 ИНН: 304 714 112 |
| Р/С 23402000300100001010 | Рег.код.плат. НДС - 326 020 092 064 |
| МАНЗИЛ: ЧИРЧИК Ш ТЕЛ 70-717-3773 | |
| Раҳбар: Н.Р Болтабаев | Раҳбар: Ш.Р. Мамайкулов |
| М.У. (имзо) Б.Сергешов | М.У. (имзо) |

ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ БЛАГОУСТРОЙСТВО (3 - ЭТАП) В УЗБЕКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ И СПОРТА В Г. ЧИРЧИК В ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ

наименование (объекта) стройки (предприятия, здания, сооружения)

# СВОДНО-РЕСУРСНАЯ ВЕДОМОСТЬ № 3

## *на БЛАГОУСТРОЙСТВО 4-ЭТАП ЛОТ № 7159771*

(наименование работ)

| № п/п | Обоснование (Код ресурса) | Наименование ресурсов | Ед. изм. | Количество | Цена | Стоимость |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 |
| | | *ТРУДОВЫЕ РЕСУРСЫ* | | | | |
| 1 | 00001 | ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ | ЧЕЛ-ЧАС | 1 762,25 | 22445,54 | 39 554 563,1 |
| | | | | | *ИТОГО ТРУДОВЫЕ РЕСУРСЫ:* | *39 554 563,1* |
| | | *СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАШИНЫ И МЕХАНИЗМЫ* | | | | |
| 1 | | АГРЕГАТ ДЛЯ СВАРКИ ПОЛИТИЛЕНОВЫХ ТРУБ | МАШ-ЧАС | 11,30 | 7 578,00 | 85 620,0 |
| 2 | | КРАН | МАШ-ЧАС | 9,17 | 127 500,00 | 1 169 175,0 |
| | | | | | *ИТОГО СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАШИНЫ И МЕХАНИЗМЫ:* | *1 254 795,0* |
| | | *СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ И КОНСТРУКЦИИ* | | | | |
| | | БРУСЧАТКА | М2 | 600 | 84 300 | 50 580 000,0 |
| | | РАСТВОР ГОТОВЫЙ ТОЛЩ.1СМ | М3 | 0,3 | 355 000 | 106 500,0 |
| | | РАСТВОР ГОТОВЫЙ КЛАДОЧНЫЙ ЦЕМЕНТНЫЙ, МАРКА 100 | М3 | 0,66 | 355 000 | 234 300,0 |
| | | БЕТОННЫЙ БОРДЮР | М | 1100 | 50 000 | 55 000 000,0 |
| | | УДОБРЕНИЯ ОРГАНО-МИНЕРАЛЬНЫЕ | М3 | 1,978 | 5 000 000 | 9 890 000,0 |
| | | ПЛАКУЧАЯ ИВА | ШТ | 10 | 275 000 | 2 750 000,0 |
| | | МОЖЖЕВЕЛЬНИК СКАЙРОКЕТ | ШТ | 3 | 1 800 000 | 5 400 000,0 |
| | | ТУЯ ЧЕСТРАЯ | ШТ | 51 | 36 000 | 1 836 000,0 |
| | | ФОТИНИЯ ШАР 80СМ | ШТ | 2 | 1 150 000 | 2 300 000,0 |
| | | МОЖЖЕВЕЛЬНИК | ШТ | 2 | 160 000 | 320 000,0 |
| | | УДОБРЕНИЯ ОРГАНО-МИНЕРАЛЬНЫЕ | М3 | 1,392 | 5 000 000 | 6 960 000,0 |
| | | ПОСАДКА КУСТАРНИКОВ | ШТ | 19 | 21 000 | 399 000,0 |
| | | РОЗА СОРТОВАЯ | ШТ | 4 | 196 000 | 784 000,0 |
| | | БУЛЬДАНЕШ | ШТ | 4 | 210 000 | 840 000,0 |
| | | ВЕЙЧЕЛА | ШТ | 4 | 250 000 | 1 000 000,0 |
| | | ПИОН | ШТ | 4 | 320 000 | 1 280 000,0 |
| | | СПИРЕЛ | ШТ | 2 | 220 000 | 440 000,0 |
| | | ЛИЛИЯ | ШТ | 1 | 216 000 | 216 000,0 |
| | | АЗАЛИЯ | ШТ | 2 | 720 000 | 1 440 000,0 |
| | | БЕРЕСКЛЕТ ШАРОВОЙ | ШТ | 2 | 1 300 000 | 2 600 000,0 |
| | | ЭОНИМАС | ШТ | 4 | 2 240 000 | 8 960 000,0 |
| | | ФОТИНИЯ | ШТ | 2 | 1 150 000 | 2 300 000,0 |
| | | ТОРФ | КГ | 120 | 10 000 | 1 200 000,0 |
| | | БИОГУМУС | ШТ | 30 | 950 000 | 28 500 000,0 |
| | | ТРУБЫ НАПОРНЫЕ ИЗ ПОЛИЭТИЛЕНА НИЗКОГО ДАВЛЕНИЯ ТЯЖЕЛОГО ТИПА ДУ 75Х6,9ММ | М | 50,5 | 24 240 | 1 224 120,0 |
| | | ТРУБЫ НАПОРНЫЕ ИЗ ПОЛИЭТИЛЕНА НИЗКОГО ДАВЛЕНИЯ ТЯЖЕЛОГО ТИПА ДУ 50Х4,6 ММ ГОСТ 18599-83 | М | 202 | 10 776 | 2 176 752,0 |
| | | ТРУБЫ НАПОРНЫЕ ИЗ ПОЛИЭТИЛЕНА ВЫСОКОГО ДАВЛЕНИЯ ТЯЖЕЛОГО ТИПА ДУ 25Х4,2 ММ ГОСТ 18599-83 | М | 303 | 3 552 | 1 076 256,0 |
| | | ТРОЙНИК Д-25 ММ | ШТ | 30 | 8 000 | 240 000,0 |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | УГОЛОК Д25 | ШТ | 40 | 4 600 | 184 000,0 |
| | | ДОЖДЕВАТЕЛЕЙ R-5 | ШТ | 70 | 27 000 | 1 890 000,0 |
| | | СЕДЛО Д=50 ММ | ШТ | 40 | 7 960 | 318 400,0 |
| | | ЗАГЛУША Д=50 ММ | ШТ | 3 | 13 860 | 41 580,0 |
| | | БОЛТЫ С ГАЙКАМИ И ШАЙБАМИ ДЛЯ САНИТАРНО-ТЕХНИЧЕСКИХ РАБОТ, ДИАМЕТРОМ 16 ММ | ТН | 0,0033 | 18 000 000 | 59 400,0 |
| | | ВЕНТИЛЬ Д-50 ММ | ШТ | 3 | 197 000 | 591 000,0 |
| | | АДАПТЕР Д=75 ММ | ШТ | 10 | 27 400 | 274 000,0 |
| | | АДАПТЕР Д=50 ММ | ШТ | 6 | 15 300 | 91 800,0 |
| | | АДАПТЕР Д=25 ММ | ШТ | 40 | 3 640 | 145 600,0 |
| | | ТРОЙНИК Д-50 ММ | ШТ | 4 | 40 278 | 161 112,0 |
| | | ТРОЙНИК Д-75 ММ | ШТ | 4 | 72 148 | 288 592,0 |
| ***ИТОГО СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ И КОНСТРУКЦИИ:*** | | | | | | ***194 098 412,0*** |
| | ***ТРАНСПОРТНЫЕ РАСХОДЫ 5%*** | | | | | ***9 704 920,6*** |
| | | **ИТОГО** | | | | **244 612 690,7** |
| | | ***ПРОЧИЕ РАСХОДЫ 19%*** | | | | **46 476 411,2** |
| | | ***ИТОГО С ПРОЧИМИ*** | | | | **291 089 102,0** |
| | | **НДС -15%** | | | | **43 663 365,3** |
| | | **ИТОГО С НДС** | | | | **334 752 467,2** |

Составил: ООО «IMAGE BUILD» ________________

IMAGE BUILD
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI

**УТВЕРЖДАЮ:**

**ООО «IMAGE BUILD»**

**____________ Ш.Р.Маматкулов**

**ТЕКУЩИЙ РЕМОНТ В УЗБЕКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ И СПОРТА В Г. ЧИРЧИК В ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ**

наименование (объекта) стройки (предприятия, здания, сооружения)

# К А Л Ь К У Л Я Ц И Я
## на БЛАГОУСТРОЙСТВО 4- ЭТАП ЛОТ № 7159771

(наименование работ)

| № п/п | Шифр номера нормативов и | Наименование работ и затрат, характеристика оборудования и его масса, расход ресурсов на единицу измерения | Единица измерения | Количество | | Цена за единицу | Итого стоимость в сум |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | на единицу | по | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | | |
| | | **БЛАГОУСТРОЙСТВО** | | | | | |
| | **Е27-07-003-1** | **УСТРОЙСТВО БЕТОННЫХ ПЛИТНЫХ ТРОТУАРОВ С ЗАПОЛНЕНИЕМ ШВОВ ЦЕМЕНТНЫМ РАСТВОРОМ** | **100 М2** | | **6,000** | | |
| | 00001 | ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ | ЧЕЛ-ЧАС | 45,80 | 274,80 | 22 445,54 | 6 168 034 |
| | | КРАН | МАШ-ЧАС | 0,41 | 2,46 | 127 500 | 313 650 |
| | | **БРУСЧАТКА** | **М2** | **100** | **600** | **84 300** | **50 580 000** |
| | | **РАСТВОР ГОТОВЫЙ ТОЛЩ.1СМ** | **М3** | **0,05** | **0,3** | **355 000** | **106 500** |
| | **Е27-02-010-1** | **УСТАНОВКА БОРТОВЫХ КАМНЕЙ БЕТОННЫХ: ПРИ ДРУГИХ ВИДАХ ПОКРЫТИЙ** | **100 М** | | **11,000** | | |
| | 00001 | ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ | ЧЕЛ-ЧАС | 69,8 | 767,80 | 22 445,54 | 17 233 686 |
| | | КРАН | МАШ-ЧАС | 0,61 | 6,71 | 127 500 | 855 525 |
| | | **РАСТВОР ГОТОВЫЙ КЛАДОЧНЫЙ ЦЕМЕНТНЫЙ, МАРКА 100** | **М3** | **0,06** | **0,66** | **355 000** | **234 300** |
| | | **БЕТОННЫЙ БОРДЮР** | **М** | **100** | **1 100,00** | **50 000** | **55 000 000** |
| | | **ОЗЕЛЕНЕНИЕ** | | | | | |
| | **Е47-01-007-8** | **ПОДГОТОВКА СТАНДАРТНЫХ ПОСАДОЧНЫХ МЕСТ ДЛЯ ДЕРЕВЬЕВ И КУСТАРНИКОВ С КВАДРАТНЫМ КОМОМ ЗЕМЛИ РАЗМЕРОМ 0,8Х0,8Х0,5 М ВРУЧНУЮ С ДОБАВЛЕНИЕМ РАСТИТЕЛЬНОЙ ЗЕМЛИ: ДО 50%** | **10 ЯМ** | | **4,30** | | |
| | 00001 | ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ | ЧЕЛ-ЧАС | 49,52 | 212,94 | 22 445,54 | 4 779 464 |
| | | ЗЕМЛЯ РАСТИТЕЛЬНАЯ ПРИ ЗАГОТОВКЕ МЕХАНИЧЕСКИМ СПОСОБОМ | М3 | 8,79 | 37,80 | | 0 |
| | | **УДОБРЕНИЯ ОРГАНО-МИНЕРАЛЬНЫЕ** | **М3** | **0,46** | **1,98** | **5 000 000** | **9 890 000** |
| | | **ПЛАКУЧАЯ ИВА** | **ШТ** | | **10** | **275 000** | **2 750 000** |
| | | **МОЖЖЕВЕЛЬНИК СКАЙРОКЕТ** | **ШТ** | | **3** | **1 800 000** | **5 400 000** |
| | | **ТУЯ ЧЕСТРАЯ** | **ШТ** | | **51** | **36 000** | **1 836 000** |
| | | **ФОТИНИЯ ШАР 80СМ** | **ШТ** | | **2** | **1 150 000** | **2 300 000** |
| | | **МОЖЖЕВЕЛЬНИК** | **ШТ** | | **2** | **160 000** | **320 000** |
| | **Е47-01-007-3** | **ПОДГОТОВКА СТАНДАРТНЫХ ПОСАДОЧНЫХ МЕСТ ДЛЯ ДЕРЕВЬЕВ И КУСТАРНИКОВ С КВАДРАТНЫМ КОМОМ ЗЕМЛИ РАЗМЕРОМ 0,5Х0,5Х0,4 М ВРУЧНУЮ С ДОБАВЛЕНИЕМ РАСТИТЕЛЬНОЙ ЗЕМЛИ: ДО 50%** | **10 ЯМ** | | **4,80** | | |
| | 00001 | ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ | ЧЕЛ-ЧАС | 36,39 | 174,67 | 22 445,54 | 3 920 607 |
| | | ЗЕМЛЯ РАСТИТЕЛЬНАЯ ПРИ ЗАГОТОВКЕ МЕХАНИЧЕСКИМ СПОСОБОМ | М3 | 5,56 | 26,69 | | 0 |
| | | **УДОБРЕНИЯ ОРГАНО-МИНЕРАЛЬНЫЕ** | **М3** | **0,29** | **1,39** | **5 000 000** | **6 960 000** |
| | | **ПОСАДКА КУСТАРНИКОВ** | **ШТ** | | **19** | **21 000** | **399 000** |
| | | **РОЗА СОРТОВАЯ** | **ШТ** | | **4** | **196 000** | **784 000** |
| | | **БУЛЬДАНЕШ** | **ШТ** | | **4** | **210 000** | **840 000** |
| | | **ВЕЙЧЕЛА** | **ШТ** | | **4** | **250 000** | **1 000 000** |
| | | **ПИОН** | **ШТ** | | **4** | **320 000** | **1 280 000** |
| | | **СПИРЕЛ** | **ШТ** | | **2** | **220 000** | **440 000** |
| | | **ЛИЛИЯ** | **ШТ** | | **1** | **216 000** | **216 000** |
| | | **АЗАЛИЯ** | **ШТ** | | **2** | **720 000** | **1 440 000** |
| | | **БЕРЕСКЛЕТ ШАРОВОЙ** | **ШТ** | | **2** | **1 300 000** | **2 600 000** |
| | | **ЭОНИМАС** | **ШТ** | | **4** | **2 240 000** | **8 960 000** |
| | | **ФОТИНИЯ** | **ШТ** | | **2** | **1 150 000** | **2 300 000** |
| | | **ТОРФ** | **КГ** | | **120** | **10 000** | **1 200 000** |
| | | **БИОГУМУС** | **ТН** | | **30** | **950 000** | **28 500 000** |
| | | **ПОЛИВ** | | | | | |
| | **Е2201-021-02** | **УКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ ИЗ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ ДИАМЕТРОМ 75 ММ** | **КМ** | | **0,050** | | |
| | 00001 | ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ | ЧЕЛ-ЧАС | 179,00 | 8,95 | 22 445,54 | 200 888 |
| | | АГРЕГАТ ДЛЯ СВАРКИ ПОЛИТИЛЕНОВЫХ ТРУБ | МАШ-ЧАС | 22,97 | 1,15 | 7 578,00 | 8 703 |
| | | **ТРУБЫ НАПОРНЫЕ ИЗ ПОЛИЭТИЛЕНА НИЗКОГО ДАВЛЕНИЯ ТЯЖЕЛОГО ТИПА ДУ 75Х6,9ММ** | М | 1 010,00 | 50,50 | 24 240 | 1 224 120 |
| | **Е2201-021-01** | **УКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ ИЗ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ ДИАМЕТРОМ 50 ММ** | **КМ** | | **0,200** | | |
| | 00001 | ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ | ЧЕЛ-ЧАС | 173,00 | 34,60 | 22 445,54 | 776 616 |
| | | АГРЕГАТ ДЛЯ СВАРКИ ПОЛИТИЛЕНОВЫХ ТРУБ | МАШ-ЧАС | 20,30 | 4,06 | 7 578,00 | 30 767 |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **ТРУБЫ НАПОРНЫЕ ИЗ ПОЛИЭТИЛЕНА НИЗКОГО ДАВЛЕНИЯ ТЯЖЕЛОГО ТИПА ДУ 50Х4,6 ММ ГОСТ 18599-83** | М | 1 010,00 | 202,00 | 10 776 | 2 176 752 |
| | Е2201-021-01 | **УКЛАДКА ТРУБОПРОВОДОВ ИЗ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ТРУБ ДИАМЕТРОМ 25 ММ** | КМ | | 0,30 | | |
| | 00001 | ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ | ЧЕЛ-ЧАС | 173,00 | 51,90 | 22 445,54 | 1 164 924 |
| | | АГРЕГАТ ДЛЯ СВАРКИ ПОЛИТИЛЕНОВЫХ ТРУБ | МАШ-ЧАС | 20,30 | 6,09 | 7 578,00 | 46 150 |
| | | **ТРУБЫ НАПОРНЫЕ ИЗ ПОЛИЭТИЛЕНА ВЫСОКОГО ДАВЛЕНИЯ ТЯЖЕЛОГО ТИПА ДУ 25Х4,2 ММ ГОСТ 18599-83** | М | 1 010,00 | 303,00 | 3 552 | 1 076 256 |
| | Е22-3-2-1 | **УСТАНОВКА ПОЛИЭТИЛЕНОВЫХ ФАСОННЫХ ЧАСТЕЙ ОТВОДОВ, КОЛЕН, ПАТРУБКОВ, ПЕРЕХОДОВ** | 10ШТ | 17,7 | | | |
| | 00001 | ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ | ЧЕЛ-Ч | 4,14 | 73,278 | 22 445,54 | 1 644 764 |
| | | **ТРОЙНИК Д-25 ММ** | ШТ | | 30 | 8 000 | 240 000 |
| | | **УГОЛОК Д25** | ШТ | | 40 | 4 600 | 184 000 |
| | | **СЕДЛО Д=50 ММ** | ШТ | | 40 | 7 960 | 318 400 |
| | | **ЗАГЛУША Д=50 ММ** | ШТ | | 3 | 13 860 | 41 580 |
| | | **АДАПТЕР Д=75 ММ** | ШТ | | 10 | 27 400 | 274 000 |
| | | **АДАПТЕР Д=50 ММ** | ШТ | | 6 | 15 300 | 91 800 |
| | | **АДАПТЕР Д=25 ММ** | ШТ | | 40 | 3 640 | 145 600 |
| | | **ТРОЙНИК Д-50 ММ** | ШТ | | 4 | 40 278 | 161 112 |
| | | **ТРОЙНИК Д-75 ММ** | ШТ | | 4 | 72 148 | 288 592 |
| | Е22-08-001-01 | **УСТАНОВКА ДОЖДЕВАТЕЛЕЙ МАРКИ: 304 AN (R-5)** | 1 ДОЖДЕВАТЕЛЬ | | 70,00 | | |
| | 00001 | ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ | ЧЕЛ-ЧАС | 2,27 | 158,90 | 22 445,54 | 3 566 596 |
| | | **ДОЖДЕВАТЕЛЕЙ R-5** | ШТ | 1 | 70,00 | 27 000 | 1 890 000 |
| | Е16-5-1-2 | **УСТАНОВКА ВЕНТИЛЕЙ, ЗАДВИЖЕК, ЗАТВОРОВ, КЛАПАНОВ ОБРАТНЫХ, КРАНОВ ПРОХОДНЫХ НА ТРУБОПРОВОДАХ ИЗ СТАЛЬНЫХ ТРУБ ДИАМЕТРОМ ДО 50 ММ** | ШТ | | 3,00 | | |
| | 00001 | ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ | ЧЕЛ.-Ч | 1,47 | 4,41 | 22 445,54 | 98 985 |
| | | **БОЛТЫ С ГАЙКАМИ И ШАЙБАМИ ДЛЯ САНИТАРНО-ТЕХНИЧЕСКИХ РАБОТ, ДИАМЕТРОМ 16 ММ** | ТН | 0,0011 | 0,00330 | 18 000 000 | 59 400 |
| | | **ВЕНТИЛЬ Д-50 ММ** | ШТ | | 3 | 197 000 | 591 000 |
| | | | | | | | 234 907 770,1 |
| | | | | | | | |
| | | | | | | 1 762,25 | 39 554 563,1 |
| | | | Итого: | | | | 234 907 770,1 |
| | | | ИТОГО ТРУДОВЫЕ РЕСУРСЫ: | | | | 39 554 563,1 |
| | | | ИТОГО СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАШИНЫ И | | | | 1 254 795,0 |
| | | | ИТОГО СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ И КОНСТРУКЦИИ: | | | | 194 098 412,0 |
| | | | ТРАНСПОРТНЫЕ РАСХОДЫ НА СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ 5%: | | | | 9 704 920,6 |
| | | | ИТОГО ПРЯМЫХ ЗАТРАТ | | | | 244 612 690,7 |
| | | | ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ ПОДРЯДЧИКА 19%: | | | | 46 476 411,2 |
| | | | ИТОГО С ПРОЧИМИ | | | | 291 089 102,0 |
| | | | НДС 15% | | | | 43 663 365,3 |
| | | | ИТОГО С НДС | | | | 334 752 467,2 |

**СОСТАВИЛ**

ООО «IMAGE BUILD»______________________

IMAGE BUILD
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYATI

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI

MIRZO ULUG`BEK TUMANI "YAGONA DARCHA" MARKAZI

YURIDIK SHAXSNI RO`YXATDAN O`TKAZISH TO`G`RISIDA

# GUVOHNOMA

№ 011698

Reestr № 011698-04

2017 yil "06" mart

Mazkur guvohnoma *"IMAGE BUILD"* yuridik shaxsga berildi.

| | |
|---|---|
| | THSHT (ОПФ) |
| Tashkiliy-huquqiy shakli: *Mas'uliyati cheklangan jamiyat* | 152 |
| | MSHT (ФС) |
| Mulkchilik shakli: *Xususiy* | 142 |
| | MHBT (СОАТО) |
| Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi pochta manzili: *MIRZO ULUG'BEK SHOX KO'CHASI, 71-UY.* | 1726269 |
| | KTUT (ОКПО) |
| Yuridik shaxs kodi: | 26964929 |
| | STIR (ИНН) |
| Soliq to'lovchining identifikasiya raqami: | 304714112 |

Qo'shimcha ma'lumotlar:

Vakolatli organ boshlig'i: E.T.NARBEKOV

GUVOHNOMANI QALBAKILASHTIRISH QONUN TOMONIDAN TA'QIB QILINADI